O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 25 февраль ШАНБА

№ 16 (11.819)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

**24 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси иш бошлади. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.**

Йиғилиш кун тартибига киритилган Сенат раиси ҳақидаги масала бўйича давлатимиз раҳбари ўз фикрини билдириб, қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Олий Мажлис юқори палатасининг 2005 йил 27 январдаги мажлисида Мурот Шарифхўжаев Сенат раиси этиб сайланган эди. М.Шарифхўжаев Сенат раиси сифатида мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшди. Лекин унинг саломатлиги бу лавозимда ўз имкониятларини тўла намоён этиш имконини бермади.

Ана шу сабабларга кўра, М.Шарифхўжаев Сенат раиси лавозимидан озод этиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Мажлисда М.Шарифхўжаевнинг аризасини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов томонидан Сенат раислигига номзод тўғрисидаги масала кўриб чиқиш учун Сенат аъзолари муҳокамасига қўйилди.

Албатта, бу лавозимга тавсия этиладиган номзод ҳаётий ва профессионал нуқтаи назардан етарлича тажриба орттирган, ташкилотчилик қобилиятига эга, атрофдагиларнинг эътирофи ва ҳурматини қозонган бўлиши лозим.

Айни пайтда у депутатлик фаолияти тажрибасига эга бўлиши, парламент фаолиятининг хусусиятларини, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги ишининг моҳияти ва мақсадларини яхши англаши даркор.

Сенатни ташкил этиш ҳақидаги қонун талабларига риоя қилган ҳолда, шуни айтиш зарурки, ушбу лавозимга номзод айни вақтда мамлакатимизнинг ҳам маҳаллий, ҳам марказий идоралари фаолияти билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув ва хўжалик юритиш тизимининг республика ва маҳаллий тузилмалари ҳал этиши лозим бўлган масалалар ҳақида аниқ хабардор ва тасаввурга эга бўлиши ишни самарали ташкил қилишда катта аҳамият касб этади, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз, ана шундай мезон ва талабларни ҳисобга олган ҳолда, Сенат раиси лавозимига Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётган Илгизар Собиров номзодини тавсия этди.

Илгизар Матёқубович Собиров 1959 йил 20 февралда Хоразм вилояти, Қўшкўпир туманининг Ўртаёп қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек, олий маълумотли. 1986 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Юридик фанлар номзоди. Меҳнат фаолиятини Қўшкўпир туманидаги жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 1980 йилда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Университетни тугатгач, 1986-1994 йилларда педагогик фаолият ва илмий иш билан шуғулланган, Тошкент юридик институтининг жиноят ҳуқуқи ва криминалистика кафедрасида ўқитувчи, проректор, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институтида илмий ходим, илмий котиб лавозимларида ишлаган. Олий судда, сўнгра Олий хўжалик судида пленум котиби, Олий хўжалик судининг аъзоси бўлган, Хоразм вилояти адлия бошқармасига раҳбарлик қилган. 2000-2003 йилларда Иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлигига сайланган, Мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раисининг ўринбосари, кейин эса Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмита раиси вазифаларида хизмат қилган. 2003-2005 йилларда Хоразм вилоятининг Қўшкўпир тумани ҳокими бўлиб ишлаган. 2005 йилда Сенат аъзолигига сайланган.

Ушбу масала бўйича бўлиб ўтган муҳокамаларда сенаторлар – Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М.Ражабова, «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси раҳбари Ё.Одилов, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори В.Пак, Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев сўзга чиқиб, И.Собиров номзодини қўллаб-қувватладилар.

Мажлисда И.Собировни Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов ўтган давр мобайнида Сенат фаолиятида эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд муаммолар, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, парламентимизнинг юқори палатаси олдида турган устувор мақсад ва вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Қуйида ана шу нутқ матни эълон қилинмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Сенат фаолияти хусусидаги ўзимнинг айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Сенатимиз иш бошлаганидан буён роппа-роса бир йил ўтмоқда. Албатта, ўтган вақт Сенат фаолиятига қатъий баҳо бериш учун катта муддат эмас. Лекин, шундай бўлса ҳам, ўтган давр мобайнида қилинган ишлар бўйича дастлабки хулосаларни чиқаришга имкон бор, деб ўйлайман.

Авваламбор, шуни таъкидлаш лозимки, Сенат фаолиятини йўлга қўйиш нисбатан қисқа ташкилий даврда амалга оширилди.

Раҳбарият таркибини сайлаш, ижро тузилмалари, қўмиталар ва комиссиялар фаолиятини, ишчи аппаратини шакллантириш, турли таҳлилий гуруҳлар ишини ташкил этиш билан боғлиқ жиддий ва масъулиятли масалалар узоққа чўзилмасдан тез муддат ичида ҳал этилди, бу борада катта сафарбарлик кўрсатилди.

Энг асосийси – Сенат ўзининг амалий фаолиятида дастлабки кунларданоқ ўз профессионал қобилиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш этди, қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Сенат қонун ижодкорлиги жараёнида ўзига муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Конституциямизга киритилган янги ўзгартиришлар ва қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ ташкил этилган бу тузилма ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир карра исботлади. Сенатнинг ўтган даврдаги фаолияти бу ҳақиқатни тўла-тўкис тасдиқлади.

Мен ҳозир Сенатнинг кўпқиррали фаолияти билан боғлиқ барча масалалар хусусида батафсил тўхталиб ўтирмасдан, менинг қарашим бўйича, унинг фаолиятига доир энг муҳим йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган вақт мобайнида Сенат ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Бу борада қуйидаги мисол алоҳида эътиборга молик, деб ўйлайман. Юқори палатада кўриб чиқиш жараёнида тўртта қонун қайтарилди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан биргаликда келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди ва ўзаро мақбул хулосага келинди.

Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга сазовор муносабат ва тажриба аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради. Ва шундай мисоллар мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифатини, жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайдиган, ўзаро мувозанатни сақлашга хизмат қиладиган самарали тизим шаклланаётганини яна бир бор намойиш этади.

Сенат томонидан Бош вазирни ва Бош прокурорни тасдиқлаш, Конституциявий суд, Олий ва Олий хўжалик судларини шакллантириш бўйича қабул қилинган муҳим қарорларни аввало Сенат, қолаверса, мамлакатимиз ҳокимият тизимининг мустақил қонунчилик идораси бўлмиш парламентимиз – Олий Мажлисимиз ваколатларининг амалий жиҳатдан кенгайгани ва ҳуқуқлари анча ошганининг тасдиғи сифатида қайд этиш лозим.

Юқори палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясини кўриб чиқиб, мамлакат Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги актни қабул қилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва озод этиш тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилди.

Маълумки, мазкур ваколатлар илгари давлат раҳбарига тегишли эди, энди улар мамлакатимизнинг олий қонунчилик органи томонидан амалга оширилмоқда. Айни пайтда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Сенатга мамлакатимизнинг турли минтақаларида яшайдиган фуқаролардан 700 дан ортиқ хат ва аризалар тушди ва бу мурожаатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини сайлаш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Илгизар Матёқубович Собиров Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари** **Ф.Муҳитдинова**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 24 февраль.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раисини лавозимидан озод этиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Мурот Шарифхўжаев саломатлигига кўра ўз аризасига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари** **Ф.Муҳитдинова.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 24 февраль.

*Вилоят ҳокимлигида*

## КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Вилоят ҳокимлигида фавқулодда эпидемияга қарши кураш вилоят комиссиясининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган «парранда гриппи» касаллиги ва унинг Ўзбекистон, хусусан, вилоят ҳудудига кириб келишининг олдини олиш учун белгиланган чора-тадбирлар ижроси муҳокама қилинди.**

Йиғилишда шаҳар ва туманлар санитария ва эпидиомология назорати марказлари раҳбарлари, марказий шифохоналар бош шифокорлари ва комиссия таркибига кирувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Вилоят ҳудудига ушбу касаллик кириб келишининг олдини олиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, вилоятдаги очиқ сув ҳавзалари, дарё бўйлари ва қушлар кўпроқ манзил тутадиган жойлар назорат остига олинган. Санитария ва эпидемиология назорати ходимлари томонидан жойларда «парранда гриппи»нинг хусусиятлари ва белгилари, унинг олдини олиш чоралари хусусида тарғибот тадбирлари ўтказилаётган бўлса, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакилларидан тузилган махсус гуруҳлар ўзга мамлакатлардан учиб келаётган паррандалар йўналишини аниқлаб, қўниб ўтиш жойларида мунтазам кузатув ишларини олиб бормоқдалар.

Вилоятдаги савдо мажмуаларида яроқлилик сертификати бўлмаган парранда маҳсулотлари сотилиши тақиқланиб, вилоятдаги божхона постларидан бундай маҳсулотларни Ўзбекистон ҳудудига ўтказиш тўхтатилган.

Шунингдек, йиғилишда айрим ҳудудларда зарарсизлантирувчи дори воситаларининг етишмаётгани, текширув лабораториялар фаолияти кўнгилдагидек эмаслигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# БАҲОР КЕЛДИ, КЎЧАТ ЭК!

**Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ ҳудуддаги барча шаҳар ва туманларда 15 февралдан 15 мартга қадар ўтказилаётган «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» давом этмоқда.**

Биргина Бўка туманининг ўзида, ушбу тадбир доирасида наврўзолди кунлари 35 мингта манзарали ва 10 мингта мевали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган.

– Авваламбор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг миқдор ва кўламини аниқлаб, режа тузиб олдик, – дейди туман ҳокими Неъмат Абдуллаев қўлидаги расм ва чизмаларга бой, батартиб тузилган ишлар режасини кўрсатаркан. – Унга мувофиқ ҳудуддаги барча ташкилот, корхоналар, ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамма маҳаллаларда фаол иш олиб бориш назарда тутилган. Шунингдек, Бўка – Бекобод трассасининг 33-57 километрлари қисмида йўл четини кўкаламзорлаштиришга ҳам катта аҳамият бераяпмиз. Бунда Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва «Тошавтойўл» бирлашмаси бизга кўмак бермоқда. Ҳозиргача беш мингдан ортиқ терак, уч мингдан кўпроқ мевали дарахт ва мингдан ошиқ манзарали дарахтлар кўчатлари экилди.

Вилоят ҳудудини кўкаламзорлаштириш учун кўчатларни Угам-Чотқол Давлат табиат миллий боғи бошқармаси, Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик илмий тадқиқот институти, Тошкент мева-кўчатчилик тажриба хўжалиги, Бекобод ва Тошкент ўрмон хўжаликлари етказиб бермоқдалар.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими мазкур ойлик ўтказилиши муносабати билан «Энг яхши гул етиштирган хонадон, кўча, маҳалла», «Энг обод маҳалла» танловларини таъсис этганлигини эслатиб ўтиш ўринли. Наврўз байрами кунлари ғолибларни муносиб тақдирлаш назарда тутилгани тадбир қатнашчиларини бу ишга янада жиддийроқ муносабатда бўлишга рағбатлантириши шубҳасиз.

**Кенжа МИРЗО.**





***СУРАТЛАРДА:*** *Бўка – Бекобод катта йўли ёқасига кўчат экиш жараёни.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ОҚСОҚОЛЛАР ЎҚИШМОҚДА

**Паркент тумани Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг саъй-ҳаракати билан жойларда оқсоқоллар учун ўқув семинарлари ташкил этилаяпти.**

Бундан кутилган мақсад оқсоқолларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳужжатларни юритишга кўмаклашишдир.

Ҳисорак қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган дастлабки машғулот ўзаро тажриба алмашиш, савол-жавоб тарзида кечди. Бундай тадбирларни бошқа қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказиш белгилаб олинди.

**Хуррият МЎМИНОВА.**

## БАРЧАГА ДАХЛДОР

**«Экосан» халқаро хайрия жамғармаси ўз дастури доирасидаги тарғибот тадбирларининг навбатдагисини Қибрай туманида ташкил этди.**

«Табиатни асранг» шиори остидаги суҳбат-мулоқотда тумандаги касб-ҳунар коллежлари, мактаб ўқувчилари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Тадбирнинг бош мақсади аҳолини, айниқса, ёшларни она табиатга эътиборли, ғамхўр қилиб тарбиялаш, уни муҳофаза этишдаги масъулиятини оширишга қаратилди. Жамғарма мутахассислари атроф-муҳитдаги глобал экологик муаммолар ҳақида етарлича тушунча беришди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МУАЛЛИМЛАР СЕМИНАРИ

**Ёшларнинг маънавий-маърифий онгини юксалтиришда ўқув масканларидаги маънавият дарсларининг аҳамияти беқиёсдир.**

Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицейда вилоят ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимида фаолият юритаётган мафкуравий тарғибот йўналишидаги ўқитувчи-мутахассисларнинг машғулот-тренинги бўлиб ўтди.

Иштирокчилар маънавият дарсларини ташкил этиш ва сифатини ошириш, самарадорлигини таъминлашда ноанъанавий услублардан кенгроқ фойдаланиш хусусида мунозара юритдилар.

**Шерали ҒАЙРАТОВ.**

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Сенат – мамлакатнинг Олий Қонунчилик органи, Олий Мажлиснинг юқори палатаси сифатида шаклланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, муҳтарам Сенат аъзоларига юртимиз ва халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Шу билан бирга, бугун эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда, Сенат фаолиятида йўл қўйилган айрим жиддий камчилик ва нуқсонлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

**Биринчидан.** Сенатимиз фаолиятининг бугунги кунда энг бўш томонини, шуни очиқ тан олишимиз керак, аввало маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан узвий алоқаларни таъминламаганимиз, улар билан ҳамкорликда ишлашни жой-жойига қўймаганимизда кўришимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуни назарда тутиш керакки, Сенат вакиллик органи бўлиб, сенаторларнинг асосий қисми халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари ҳисобланади ва улар маҳаллий кенгашларнинг умумий йиғилишларида Сенат аъзолигига сайланган.

Бошқача айтганда, Сенат аъзолари ўз ваколатларини маҳаллий кенгашлар депутатларидан олган ва уларнинг олий органдаги тўлақонли, айни вақтда шу кенгашларга ҳисоб берадиган вакиллари сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ амалда Сенат ва маҳаллий кенгашлар ўртасида изчил, самарали алоқа ва ҳамкорлик ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Яна бир бор такрорлаш лозим – маҳаллий кенгашлар депутатлар корпуси билан нафақат алоқа, нафақат ҳисобот ва учрашувлар, балки ҳамкорлик ҳам ҳали-бери шаклланмаган.

Сенат кенгаши томонидан 2005 йилнинг 21 ноябрида, яъни Сенат ташкил этилганидан сўнг деярли бир йил ўтгач, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорлик ҳаракатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси» тасдиқланган эди. Лекин атиги 9 банддан иборат бўлган бу ҳужжат талаблари ҳам ниҳоятда қониқарсиз бажарилмоқда.

**Иккинчидан.** Маълумки, Сенатнинг мутлақ ваколатига кирадиган ўта муҳим масалалар бор. Афсуски, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига кўра Сенатга берилган бу ваколатдан ҳам ҳисобот даврида етарли даражада фойдаланилмаган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисларининг ҳисоботлари чуқур таҳлил қилинмасдан, тегишли хулосалар чиқарилмасдан, айтиш мумкинки, юзаки кўрилган. Сенат ва Сенат аъзоларига берилган ваколатлардан етарли фойдаланилмаган.

Бу ҳисоботлар ва улар юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, банк тизими фаолиятини такомиллаштириш, шу соҳаларда

(Давоми. Боши 1-бетда).

иқтисодий ислоҳотларни тўғри йўлга қўйиш борасида мавжуд бўлган жиддий муаммолар, камчилик ва нуқсонларга, шу идораларнинг масъулиятини ошириш масаласига керакли эътибор берилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда, аввало ҳудуд ва минтақаларимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш, юртимизда мавжуд бўлган ўта долзарб муаммолар, масалан, ишсизлик муаммосини муҳокама қилиш юзасидан Сенат томонидан ташаббуслар сезилмаяпти.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари изчил давом этмоқда. Жумладан, прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг бутун бир тизими фаолиятини ташкил этишни талаб қиладиган янгича ёндашувлар асосида муҳим ҳужжатлар – қонунлар, жиноий жазолар тизимини, судларнинг иш юритувини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни либераллаштириш тўғрисидаги фармонлар қабул қилинмоқда.

Кўряпсизки, бу соҳада муҳокама қилинадиган ва тегишли хулосалар чиқариш зарурати бўлган талайгина масалалар етарли. Лекин, шунга қарамасдан, Сенат томонидан 2005 йил иш режасида кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи 2006 йилга кўчирилганини тушуниб бўлмайди.

2005 йил давомида Сенат қўмиталари бор-йўғи иккита сайёр мажлис ўтказган. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Термиз шаҳрида ўтказилган мажлисда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуннинг, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган мажлисда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси муҳокама этилган, холос.

**Учинчидан.** Ўтган йили Сенат томонидан 24 та турли семинар, конференция ва давра суҳбати ташкил қилинган.

Афсуски, кўп ҳолларда бундай муҳокамалар жиддий тайёргарликсиз, кўрилган масала бўйича амалий таклифлар беришга қодир бўлган олим ва мутахассисларни жалб этмасдан туриб ўтказилганини айтишга тўғри келади.

Кўпинча бундай тадбирларда муҳокама қилинаётган соҳалардаги муаммолар тўғрисида гапириш ўрнига олдиндан маълум бўлган мисол ва таклифларни такрорлашдан нарига ўтилмаяпти.

Оқибатда нима бўляпти? Бундай анжуманларда бир қарашда ғоят долзарб мавзулар кўтарилади, лекин, афсуски, бу борада мавжуд муаммоларни ечиш бўйича амалий таклифлар ўртага ташланмайди.

Энг ачинарли томони шундаки, кўп ҳолларда бундай семинар, конференция ва давра суҳбатлари кўзланган мақсадларга хизмат қилмаяпти, мамлакатимизнинг кенг жамоатчилиги эса улардан четда қолмоқда.

Маълумки, қонун ижодкорлиги билан шуғулланадиган идораларнинг фаолиятида бу борада муайян тартиб-қоида қабул қилинган. Яъни, бундай муҳокама ва семинарлар фақат маълумот бериш, мавжуд фактларни қайд этиш билан чекланмаслиги, аксинча, бу муҳокамалар пировард натижада зарур қонунчилик таклифларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши даркор.

**Тўртинчидан.** Сенат назорат фаолиятининг самарадорлиги, парламент назоратининг таъсирчанлиги ҳали-бери паст даражада қолмоқда.

Юқори палата нафақат айрим қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаши, балки қонун талабларининг бажарилмаслигига, қонун нормаларининг амал қилинмаётганига сабаб бўлаётган омилларнинг тагига етиши зарур.

Шунингдек, қонунчилигимиздаги, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги бўшлиқ ва заиф нуқталарни аниқлаш ҳам унинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Парламент назоратини режалаштириш ва амалга оширишда бу ишларни Қонунчилик палатаси билан мувофиқлаштиришга эътибор берилмаётгани натижасида назорат тадбирларини ўтказишда, худдики мусобақа қилгандек, бир-бирини такрорлаш ва ортиқча куч сарф қилиш ҳолатлари рўй бермоқда.

**Бешинчидан.** Қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини, аввало, қуйи ва юқори палаталарнинг тегишли қўмита ва тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштириш зарур.

Олдимизда турган муҳим вазифа – ҳар икки палата бир-бирининг ишини такрорламасдан, бир-бирини тўлдирган ҳолда, яхлит ва изчил тизим, бутун бошли бир қонунчилик органи сифатида фаолият кўрсатишини таъминлашдир.

Шу борада, яъни янги қонунларни яратиш ёки қонунларга ўзгартишлар киритиш жараёнида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, юқори палата томонидан бирон-бир қонуннинг қайтарилиши, қонуннинг мазмун-моҳияти бўйича келишув комиссиялари доирасида баҳс-мунозаралар олиб бориши кимгадир ғалати кўринмаслиги ва кимнингдир нафсониятига тегмаслиги керак.

Бундай ҳолатларни демократик парламентнинг соғлом фаолият шакли, қабул қилинаётган қонун ва қонун ҳужжатларининг сифати юқори бўлишини кафолатлайдиган муҳим омил деб қабул қилишимиз зарур.

Юқорида зикр этилган вазиятларни бартараф этиш ва олдини олиш мақсадида палаталар ўртасида келиб чиқадиган баҳс ва мунозараларни иш тартибида ҳал этиш вазифаси юклатилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш ҳақида яқинда қабул қилинган қарор ўзининг амалий натижаларини беради, деб ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Бугунги йиғилишимизда Олий Мажлисимизнинг юқори палатаси бўлмиш Сенат фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга, эътибордан четда қолган масалалар ва йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтар эканман, мен ўз олдимга Сенат ишига чуқур таҳлил асосида танқидий баҳо бериш мақсадини қўйганим йўқ.

Сенатнинг ўтган давр мобайнидаги фаолияти якунларини кўриб чиқиш масаласи ушбу ялпи мажлис кун тартибига киритилганидан сизлар хабардорсиз.

Сиз, муҳтарам сенаторлар, бу масалани муҳокама этиш чоғида ўтган давр мобайнида қилинган ва ҳали-бери бажарилмаган ишларга ўзингиз атрофлича чуқур баҳо беришингиз, сизларга ишонч билдирган сайловчиларингиз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятингиз самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаб олишингиз, ўйлайманки, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди.

Азиз дўстлар!

Бугун биз мамлакатимиз ҳаётида кечираётган қандай жараёнларни, қайси соҳа ва тармоқни олмасангиз – марказда ёки узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимизда бўладими, корхона, ташкилот ёки хўжаликларда бўладими – юртимизнинг барча жойларида мавжуд вазиятни бир сўз билан ифодалаш мумкин: халқимиз, мамлакатимиз изланиш, янгиликка интилиш, бунёдкорлик туйғуси билан яшамоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида юртдошларимизнинг олдида очилаётган янги имкониятлар уларнинг ўзи ва оиласининг бугунги, эртанги куни учун катта умид ва ишонч туғдириб бермоқда.

2005 йилни қандай ижобий натижалар билан якунлаганимиз сизларга яхши маълум.

Айни пайтда 2006 йилда амалга ошириладиган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб олганимиз ва шу йўлда белни маҳкам боғлаб астойдил меҳнат қилаётганимиз ҳам, иншооллоҳ, ўз ҳосили ва самарасини беради.

Айниқса, жойларда аҳолимизнинг кундалик ҳаёти билан ҳар томонлама боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича қилаётган ишларимиз – бу иқтисодий масалаларни ечиш ёки тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш бўладими, янги-янги иш ўринларини яратиш, шунинг ҳисобидан одамларнинг ҳаёт даражасини ошириш, таъминотини яхшилаш, ҳар қайси инсонга Оллоҳ берган ақл-заковат, куч-қувват ва салоҳиятни рўёбга чиқаришда имконият яратиш бўладими – буларнинг барча-барчаси ана шундай ишонч туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу борада биздан, яъни қонун чиқарувчилардан нима талаб қилинади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, мамлакатимиз тараққиётининг қонунчилик базасини яратишда, янги қонунларни ижод қилишда ва уларга ўзгартишлар киритишда авваламбор меҳнат аҳли, у фермер бўладими, тадбиркор, кичик бизнес соҳиби ёки ташаббускор ишбилармонми – ким бўлмасин, уларнинг манфаати ва яна бир бор манфаатини фаолиятимизда асос қилиб олиш ва рўёбга чиқариш талаб қилинади.

Иккинчидан, қабул қилинаётган қонун ва юридик нормаларни амалда татбиқ этишда, мана шу жараённи жиловлаб, қўлга олиб қаттиқ назорат ўтказишда бош-қош бўлишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилади.

Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этиш, бунинг учун керакли чора ва тадбирларни кўриш – бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ бир томонига айланиб қолмоқда.

Бундай вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлисимизнинг қуйи – Қонунчилик палатаси қаторида Сенат аъзолари зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Сиз, муҳтарам Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар халқ ноибларининг вакиллари бўлиб, юксак ваколат соҳиби сифатида, ҳаётнинг аччиқ-чучугини яхши биладиган инсонлар сифатида бу масалаларга катта масъулият билан қарашингиз талаб қилинади.

Ишонаманки, шундай юксак ишончга сазовор бўлган сиз, муҳтарам сенаторлар ўз масъулиятингизни ҳар томонлама чуқур англаб, сайловчиларимизнинг, халқимизнинг умиди, орзу-ниятларини амалга оширишда ўзингизни аямай хизмат қиласиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, муваффақият ва омадлар тилайман.

* * *

Кун тартибига мувофиқ юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинованинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот юқори палата томонидан атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг ушбу масала бўйича қарор тайёрлаш учун ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Сенаторлар «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Ушбу қонунда кўзда тутилган мақсад банкларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, автоматлаштирилган банк тизимидаги ахборотни рухсатсиз олиш, нусха кўчириш ва автоматлаштирилган банк тизимига бошқа шаклларда аралашувдан муҳофаза қилишдан иборат. Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомилларини тартибга солишга, мажбурий тартибда сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар ва хизмат турларини камайтиришга қаратилган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун, шунингдек, истеъмол кредити берадиган ташкилотлар ва ўз фаолияти натижаларидан даромад оладиган жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишни кўзда тутадиган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди.

Сенаторлар томонидан илгари Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида қайтарилган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун қонуннинг ягона матнини ишлаб чиқиш мақсадида парламентнинг ҳар иккала палатаси аъзоларидан тенг асосда келишув комиссияси тузилган эди. Мазкур қонун Сенат томонидан маъқулланди.

Сенат 2006 йилнинг 25 февралида ўз ишини давом эттиради.

---

*Изчил ислоҳотлар йўлида*

**Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашгани сари қурилишлар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида кейинги 10-15 йил ичида бунёд этилган ижтимоий-маданий иншоотлар пойтахт қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.**

# ИМКОНИЯТГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН

Бугун нафақат пойтахт, балки, барча вилоят, шаҳар ва туманларда таълим-тарбия муассасалари, шифохона, гузар, истироҳат боғлари барпо этилмоқда, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият бошламоқда, янги иш ўринлари очилмоқда, эски техника ва технологиялар ўрнини янги, замонавийлари эгалламоқда. Бунда биз каби хусусий тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугун ҳар бир соҳада хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес кенг қулоч ёймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳар қандай мустақил юрт келажаги, унинг иқтисодий салоҳиятининг барқарорлиги мулкчилик шаклларининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Шу маънода ўтган йили Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бу тизимдаги ислоҳотларнинг янада чуқурлашишига замин яратиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатининг янада кенг қулоч ёйиши учун қулай имкониятлар яратиб берди. Назорат қилувчи идораларнинг ҳуда-беҳуда текшир-текширларию турли сансалорлик ва қоғозбозликлар, ортиқча ташвишларга барҳам берилди. Бу билан тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишлари учун имконият эшиклари янада кенг очилди.

Бизнинг «Бинокор-қурилиш-таъминот» хусусий корхонамиз ҳам айни пайтда юртимиздаги янгиланиш ва бунёдкорлик жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари асосий фаолият йўналишимиз бўлиб, қарийб ўн йилдирки, вилоят ҳамда пойтахт ҳокимликлари ҳамда хусусий буюртмачиларнинг талаблари асосида катта-кичик қурилишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли ўтган давр мобайнида анчагина ютуқларни қўлга киритдик. Қурилишдаги суръат ва сифатнинг юқорилиги сабабли мижозларимиз кўпайди. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида 2,5 миллиард сўмдан зиёд маблағни ўзлаштирдик.

Айни кунда вилоят шаҳар ва туманларидаги бир қатор ижтимоий объектлар қурилишида 200 дан зиёд ишчиларимиз меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 90-100 минг сўмга тўғри келмоқда.

Биз учун айниқса, шуниси қувонарлики, хусусий корхонамиз фаолиятини кенгайтириш ва ишчиларимиз сонини кўпайтиришдан ташқари ўзимиз қуриб битказаётган ишлаб чиқариш объектларида ҳам кўплаб янги иш ўринлари очилишига салмоқли улуш қўшиб келаяпмиз. Жумладан, ўтган йили Япония гранти асосида Тошкент туманида барпо этилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхонада бир қанча маҳаллий ёшлар иш ўринлари билан таъминландилар.

2006 йилда ҳам ўтган йилдан кам бўлмаган ҳажмда қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришни режалаштирганмиз. Хусусан, 2005 йилда Ўртачирчиқ туманидаги учта умумтаълим мактабида капитал реконструкция ишларини амалга оширган бўлсак, бу йил ҳам айни шу тумандаги умуммиллий давлат дастурига киритилган 3 та мактабнинг таъмирига даъвогар бўлдик.

Янгийўл туманида қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассисларини тайёрловчи касб-ҳунар коллежини қуриб битказдик. Айни пайтда учта туманда қурилиши мўлжалланган ана шундай таълим муассасалари бўйича тендер комиссиясига ҳужжатларимизни тақдим этганмиз. Бундан ташқари пойтахтдаги қурилишлар бўйича ўтаётган тендер савдоларида ҳам иштирок этаяпмиз.

Гапнинг индаллосини айтганда, бугун ҳар жиҳатдан эркин фаолият олиб бормоқдамиз. Ҳеч ким қонун доирасида олиб бораётган ишларимизга ортиқча ва ноўрин дахл қилолмайди. Биз хотиржамлик билан корхонанинг келгусидаги режалари хусусида изланаяпмиз. Яқин йиллар ичида корхона тармоқларини кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз. Яъни, фаолият турини кўпайтирмоқчимиз. Хусусан, ишлаб чиқариш тизимини жорий этмоқчимиз. Айни пайтда корхонада шлакоблок қуйиш, дурадгорлик цехлари фаолият кўрсатаётган бўлса, улар ёнида бетон плиталар қуйиш цехини қурмоқчимиз. Бу фаолиятимизда жуда қўл келади. Ортиқча маҳсулотни сотиш орқали яна қўшимча даромад олиш имкони яратилади, қолаверса, янги иш ўринлари пайдо бўлади. Ҳозирда ана шу режа юзасидан малакали мутахассисларимиз билан зарурий ҳужжатларни тайёрлаб, амалий ишларни бошлаб юбориш арафасидамиз.

**Баҳодир ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Бинокор-қурилиш-таъминот» хусусий корхонаси раҳбари.**

---

**«Чинозйўлиндустрия» корхонаси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури доирасида ўтказиладиган тадбирлар режасини тузди.**

# ҚАЛБИМИЗДА МЕҲР БЎЛСИН

Унда ёрдамга муҳтож ишчилар, шунингдек, тумандаги мактаб, муассасаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Корхонанинг ўтган йилги ҳомийлик фаолияти самарали бўлди. Чунончи, тумандаги 40-мактабнинг ёзги оромгоҳини таъмирлаш, «Таэквондо» маркази, республика кўзи ожизлар жамияти туман бўлими бошланғич ташкилотига моддий ёрдам кўрсатилди.

# «КАМОЛОТ»ДА МАШҒУЛОТ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман бўлими 9-, 18-умумтаълим мактабларида «Сиз «Камолот»ни биласизми?» мавзусида ўқув-машғулот ташкил этди.**

Савол-жавоб тарзида уюштирилган машғулот ёшлар ўртасида турли маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, улардаги фаоллик ва шижоаткорликни тўғри йўналтириш, «Мана шу Ватан меники», «Шу юрт тупроғи мен учун азиз» тушунчаларини ёшлар онгига сингдириб бориш масалаларига бағишланди.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

# ШОҲСУПАДА «ҚОМУС»

**Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устувор бўлишига эришиш, ёшларда она-Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловлари вилоят ўқув-таълим муассасаларининг доимий**





Яқинда Бўка тумани ёшлари ўртасида ўтказилган кўрик-танлов ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Унда Бўстон қишлоқ хўжалик коллежининг «Адолат», Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидан «Демократ», педагогика коллежининг «Адолат», Бўка агросервис коллежининг «Қомус» гуруҳлари ўзаро беллашдилар. Танловга пухта тайёргарлик кўрган талабалар тадбир давомида ўзларининг ҳар томонлама билимдон, зукколикларини намойиш этдилар. Айниқса, танловнинг учинчи шарти — «Суд саҳнаси» бўйича ижро этилган лавҳалар, сардорлар беллашувидаги қизғин баҳс-мунозара томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Бўка агросервис коллежининг «Қомус» гуруҳи 90 балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Маҳорат жиҳатдан кучлари тенг келган «Демократ» ва «Адолат» гуруҳларига иккинчи ўрин насиб этди.

***СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

